Агар киши ўз аҳлига инфоқ қилса ва ажрини умид қилса, у унга садақа бўлади», дедилар

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар киши ўз аҳлига инфоқ қилса ва ажрини умид қилса, у унга садақа бўлади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда киши инфоқ қилиши лозим бўлган аёли, ота-онаси, болалари ва бошқа аҳли аъзоларига инфоқ қилса ва шу иши билан Аллоҳга яқинлашишни ва савобини умид қилса, унга садақанинг ажри берилишини хабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/6460